ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

АСАДОВ ШАВКАТ ҒАЙБУЛЛАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УЎК: 342 (575.1)

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the dissertation abstract of the Doctor of Science (DSc)

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич
Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш..... 3

Асадов Шавкат Гайбуллаевич
Совершенствование организационно-правовых основ обеспечения государственного суверенитета Республики Узбекистан..... 28

Asadov Shavkat Gaybullaevich
Improvement organizational and legal framework for ensuring state sovereignty of the Republic of Uzbekistan..... 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 56

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

АСАДОВ ШАВКАТ ҒАЙБУЛЛАЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

Юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Yu199 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (www.dba.uz/uz/avtoreferatlar) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Хусанов Озод Тиллабоевич** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Рузметов Хайрулла Ибодуллаевич** юридик фанлар доктори
	Бобоқулов Иномжон Ибрагимович юридик фанлар доктори, профессор
	Қутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил **“17” январь** куни соат **12.00** даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45 уй. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45 уй. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «30» декабрь куни тарқатилди.

(2019 йил «30» декабрдаги 28 рақамли реестр баённомаси).

Ф.Х. Рахимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

Д.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди

Ж.Тошқулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда давлатларнинг жаҳон харитасида ўз ўрнини сақлаб қолиши, халқаро майдонда миллий давлатчиликка бўлаётган таҳдидларга қарши тура олиши учун давлат суверенитетини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Суверенитетнинг моҳияти, дунё сиёсий майдонидаги қадр-қимматига оид масалаларни тадқиқ этиш, муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон майдонида XX асрнинг охирида йирик давлатларнинг парчаланиб кетиши натижасида постсоциалистик маконда бир нечта мустақил суверен давлатлар вужудга келиб, йирик давлатлар таъсирига тушиб қолмаслик, ички ва ташқи сиёсатда мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда суверенлигини сақлаш зарурияти пайдо бўлди. Халқаро ташкилотлар доирасининг кенгайиши, уларга қўшилиш заруратининг вужудга келиши ва унинг давлат суверенитетига таъсири “суверенитет”ни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда давлат суверенитетини таъминлаш мақсадида ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, мамлакат ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар – 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ [1] амалга оширилмоқда. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси суверенитетини таъминлашга оид қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, ўзаро муносабат механизмларини такомиллаштиришни, дунё ҳамжамияти билан конструктив муносабатларга киришишни тақозо этади.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонуни, Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги хизмати тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси суверенитетини таъминлашга қаратилган бошқа қонунлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сонли “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4061-сонли “Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[1]. Давлат суверенитетини таъминлаш ва суверенитетнинг назарий масалалари бўйича тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Stanford Law School, Boston College, UCLA School of Law, New York University, Chicago University, Harvard University, Washington University School of Law (АҚШ), Newcastle University, Library of House of commons, Oxford University, Cambridge University, Queen Mary University (Буюк Британия), Frankfurt Universität, München Universität (Германия), Pantheon Sarbonne (Франция), The University of Toronto (Канада), Jagiellonian University (Польша), Naruto University of Education Graduate School, The University of Nagoya, (Япония), Москва давлат университети, Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Москва давлат юридик университети (Россия)да олиб борилмоқда.

Дунёда суверенитет ва уни таъминлаш бўйича қуйидаги бир қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ташқи сиёсат, мудофаа ва хавфсизлик соҳасида, глобаллашув жараёнида суверенитетни таъминлашнинг замонавий услублари, давлатларнинг ахборот макони хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хуружларидан мамлакатни ҳимоя қилиш ва ҳ.к.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси суверенитетини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг бир қанча жиҳатлари А.А. Азизхўжаев, М.А.Ахмедшаева, С.М. Адилходжаева, Ҳ.Б. Бобоев, З.М. Исломов,

[1] Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: https://www.law.stanford.edu, https://www.bc.edu, https://law.ucla.edu, https://www.nyu.edu, https://www.uchicago.edu, https://www.harvard.edu, https://www.law.wustl.edu, ttps://www.ncl.ac.uk, https://www.parliament.uk/commons-library, https://www.ox.ac.uk, https://www.cam.ac.uk, https://www.uni-frankfurt.de, https://www.uni-muenchen.de, www.pantheonsorbonne.fr, http://www.en.uj.edu.pl, www.naruto-u.ac.jp, https://www.msu.ru, https://mgimo.ru, https://msal.ru манбаларда ёритилган.

П.А.Маккамбаев, Б.Л. Манелис, М.М. Миракулов, Ф.Ф. Мухитдинова, О.З. Мухамеджанов, М.К. Нажимов, Ҳ.Т. Одилқориев, У.С.Очилов, Ф.Х. Рахимов, Х.И. Рузметов, А.Х. Саидов, А.С. Турсунов, И.А. Хамедов, О.Т. Ҳусанов, А.Р.Раҳмонов, А.Э.Раҳмонов, Г.М. Тансиқбоева, Ш.З. Ўразаев, Р.Р. Хакимов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган[1].

Ўрганилаётган мавзу доирасида П.А.Маккамбаевнинг давлат суверенитети ҳудудий элементининг турли жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган "Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг ҳуқуқий режими ва уни такомиллаштириш муаммолари"[2], У.С.Очиловнинг давлат суверенитети ҳуқуқий рамзлари масалаларига бағишланган "Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг ҳуқуқий мақоми" [3], А.Р.Раҳмоновнинг давлат мустақиллигини таъминлаш масаласи тадқиқ этилган "Ўзбекистон Республикасида кенг қамровли миллий хавфсизликни таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари"[4], А.С.Турсуновнинг давлатнинг ташқи сиёсатни амалга оширишга бўлган суверен ҳуқуқига бағишланган "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари" [5], М.М.Миракуловнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш бўйича ваколатлари таҳлил этилган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил)"[6] каби тадқиқот ишлари, айниқса, диққатга сазовор. Шунингдек, давлат ҳокимиятига оид М.А.Ахмедшаева[7], З.М. Исломов[8], Ҳ.Т. Одилқориев[9]нинг асарларида давлат суверенитетининг назарий масалалари тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг "Давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва ҳуқуқни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш" илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2018-2020 йй).

---

[1] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиѐтлар рўйхатида келтирилган.

[2] *Маккамбаев П.А.* Правовой режим государственной границы Республики Узбекистан и проблемы ее совершенствования: Автореф. дисс. … канд. юрид. наук. – Т.: УМЭД, 1997. – 25 с.

[3] *Очилов У. С.* Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг ҳуқуқий мақоми: юридик фанлар номзоди дисс. ... автореф. – Т.: ИИВ Академияси, 1993. – 26 б.

[4] *Рахманов А.Р.* Международно–правовые аспекты обеспечения всеобъемлющей национальной безопасности в Республике Узбекистан: Автореф. дисс. … док. юрид. наук. – Т.: АГОС, 2001. – 54 с.

[5] *Турсунов А.С.* Конституционные основы внешней политики Республики Узбекистан // Автореф. дисс. … док. юрид. наук. – Т.: АГОС, 2002. – 42 с.

[6] *Миракулов М.М.* Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил): юрид.фан.док. ...диссертацияси.- Т., 2016. – Б.20.

[7] *Ахмедшаева М.А.* Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 260 б.

[8] *Исламов З.М.* Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. – Т.: ТГЮИ. – 2003. – 27б.

[9] *Одилқориев Х.Т., Чинибаев Х.Ж.* Давлат ҳокимияти: моҳияти, функцияси ва замонавий талқини: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2015. – 180 б.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида давлат суверенитетини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“суверенитет” тушунчасига оид ғоя ва қарашларни тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини тадқиқ этиш;

замонавий давлатлар суверенитетининг юридик табиатини, унинг мамлакатлар хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни ва ролини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий асосларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, истиқболли конституциявий ислоҳотларнинг тадрижийлиги ва заруриятини асослаш;

хорижий мамлакатларда давлат суверенитетини таъминлашнинг ижобий конституциявий-ҳуқуқий тажрибаларини мамлакатимизга татбиқ этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

суверенитетни мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларни тадқиқ этиш ҳамда таклиф ва тавсияларни илгари суриш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларига оид сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва механизмлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик, тизимли таҳлил, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий, статистик каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг терроризмга қарши курашиш, ҳуқуқ-тартибот, шунингдек, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда террорчилик ҳаракатларининг оқибатларини бартараф этиш бўйича иштирокига оид ваколатларини кучайтириш Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни билан асослантирилган;

давлат суверенитетини таъминлаш шарти сифатида Ўзбекистон Республикасини ҳужум ёки тажовузлардан мудофаа қилиш билан боғлиқ ҳарбий ва фавқулодда ҳолат, ҳудудий мудофаа, фуқаро муҳофазаси ҳамда мудофаанинг ҳарбий-иқтисодий таъминотини ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонунини такомиллаштириш лозимлиги асослаб берилган;

марказий ва маҳаллий органлар ўртасида мувозанатни ўрнатувчи ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш орқали давлат суверенитетини таъминлашда туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботини эшитишга тегишли сайлов округларидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, давлат бошқаруви органларининг вакиллари, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокими ёки унинг ўринбосарлари, туман ва шаҳар ижроия ҳокимияти органлари таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари иштирок этиши зарурати Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунини такомиллаштириш билан асослантирилган;

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши (халқаро ҳукуматлараро ташкилот)ни тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимига (2009 йил 3 октябрь) қўшилиш орқали Ўзбекистоннинг туркий тилли мамлакатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш ва қўшничиликни мустаҳкамлаш лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлат ҳокимиятини амалга ошириш ва суверенитетини таъминлаш бевосита кадрлар салоҳияти ҳамда давлат хизматининг самарали ташкил этилганига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси давлат хизмати соҳасидаги қонунчиликнинг таҳлили ва хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида Ўзбекистонда “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳасига давлат хизматининг бирлиги, ватанпарварлик ва халққа хизмат қилиш, қонунийлик, мутаносиблик, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, сиёсий бетарафлик, профессионаллик ва компетентлик, виждонийлик ва хизмат бурчига фидоийлик, мансаб имкониятларидан оқилона тийилиш, давлат хизматининг ҳисобдорлиги, давлат хизматига киришнинг тенглиги, давлат хизматчиларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси каби принципларни киритиш таклиф этилди;

Ўзбекистон томонидан Марказий Осиё давлатлари иқтисодий Иттифоқини тузиш ташаббуси билан чиқилиб, Марказий Осиё давлатлари иқтисодий Иттифоқини ташкил этиш халқаро Дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятига путур етказмаслик, унинг иқтисодий қудрати орқали давлат суверенитетига бўлган таҳдид ва хатарларни олдини олиш учун “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 23-моддасига Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида: “Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзининг умумий ҳажми Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти қийматининг 40 фоизидан ошмаслиги чораларини кўради”, деган нормани киритиш тавсия этилди;

Ўзбекистондаги партиявий тизимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, мамлакатимиздаги партияларарo рақобатнинг концептуал асосларини

шакллантириш асосида “Сиёсий мухолифат тўғрисида”ги Қонунни яқин истиқболда қабул қилиш таклиф этилди;

мамлакатдаги номарказлаштириш жараёнларининг муваффақияти миллий ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда пухта ишлаб чиқилган давлат дастурларини қабул қилиш билан боғлиқдир. Бу мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлиги, давлат ҳокимиятини амалга ошириш ва унинг суверенитетини таъминлашда кенг жамоатчиликни жалб этиш имкониятини яратади. Шу муносабат билан “Ўзбекистон Республикасида маҳалла институтини такомиллаштириш” Давлат дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилди;

“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси 5-моддасига алоҳида бандларда йўналиш этиб: “Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини амалга ошириш”, таклиф этилди;

Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари бўйича алоҳида 9^1-моддани киритиш ва уни “терроризмга қарши курашишда, ҳуқуқ тартиботни, шунингдек, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда иштирок этади; террорчилик ҳаракатларининг оқибатларини бартараф этишда иштирок этади”, деган таҳрирда баён этиш тавсия этилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мудофаа соҳасидаги ваколатларига ахборот-коммуникацион макондаги таҳдидларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш таклифлари илгари сурилди;

Фуқаролар ўз ижтимоий фаоллигини амалга ошириши мақсадида, “Фуқароларнинг митинглари, йиғилишлари ва намойишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилиш таклиф этилди;

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш асослари қаторига ҳамда давлат хизматига оид қонун ҳужжатларига давлат хизматчиларини ишга қабул қилиш шарти сифатида давлат тилини билиш талабини киритиш таклиф этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар конституциявий ҳуқуқ фанида мавжуд бўлган назарий қарашларни ва миллий қонунчилик нормаларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асосланган.

Хулосалар муаллифнинг тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид қарашлари, таклифлари ҳамда статистик маълумотларни умумлаштиришга таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар

апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, суверенитетни таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Халқаро ҳуқуқ” фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, ушбу фанлардан маъруза, семенар ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, модернизациялаш соҳасида кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонунларни амалга ошириш механизмларини ривожлантиришга, демократик давлат саналган Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини таъминлашга оид билимларни кенгайтиришга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари бўйича алоҳида 9^1-моддасига: “терроризмга қарши курашишда, ҳуқуқ тартиботни, шунингдек жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда иштирок этади; террорчилик ҳаракатларининг оқибатларини бартараф этишда иштирок этади” деган норма қўшимча сифатида киритилиб, жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 26 сентябрдаги 06/2-06-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига ҳуқуқ-тартибот, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, террористик ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича вазифаларнинг юкланиши Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонунига Мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари (5-модда), Қуролли Кучларнинг асосий вазифалари (8-модда), Мамлакат мудофаасига ва Қуролли Кучларига раҳбарлик қилиш (9-модда), шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ҳужум ёки тажовузлардан мудофаа қилиш билан боғлиқ Ҳарбий ва фавқулодда ҳолат, ҳудудий мудофаа, фуқаро муҳофазасига оид 4-боби ҳамда мудофаанинг ҳарбий-иқтисодий таъминоти (29-модда) бўйича

таклифлари жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 26 сентябрдаги 06/2-06-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар давлат суверенитетини таъминлаш шарти сифатида Ўзбекистон Республикасини ҳужум ёки тажовузлардан мудофаа қилиш билан боғлиқ ҳарбий ва фавқулодда ҳолат, ҳудудий мудофаа, фуқаро муҳофазаси ҳамда мудофаанинг ҳарбий-иқтисодий таъминотини кучайтиришга хизмат қилган.

Туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботини эшитишга тегишли сайлов округларидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, давлат бошқаруви органларининг вакиллари, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокими ёки унинг ўринбосарлари, туман ва шаҳар ижроия ҳокимияти органлари таркибий бўлинмалари раҳбарларининг иштирок этиши тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24 ва 25^1-моддаларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 06/1-51-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар марказий ва маҳаллий органлар ўртасида мувозанатни ўрнатувчи ҳуқуқий механизмларни белгилаш натижасида давлат суверенитетини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

халқаро ҳукуматлараро Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши фаолиятини ва туркий тилли мамлакатлар ҳамкорлигини ривожлантириш, улар ўртасида биродарлик, дўстлик ва қўшничиликни мустаҳкамлаш, тинчликни сақлаш, хавфсизлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилгани ҳамда унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси манфаатларига тўлиқ мос тушишига оид таклифларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битими (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиниши билан жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 10/1-782-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф Ўзбекистонинг Туркий тилли давлатлар: Туркия, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон каби қардош республикалар билан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш учун замин яратган ҳамда Ўзбекистон суверенитетини таъминлашга ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та (12 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн битта параграфни ўз ичига олган тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, натижаларнинг ишончлилиги ва эълон қилинганлиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, апробацияси, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби "**Суверенитетнинг илмий-назарий, методологик асослари ва уни таъминлашнинг муаммолари**" деб номланади, унда суверенитетга оид ғояларнинг ривожланиш тенденциялари, давлат суверенитетининг конституциявий тузумни таъминловчи институт сифатидаги аҳамияти, замонавий давлатда суверенитетни таъминлаш муаммолари ёритилган.

"Суверенитет" тушунчаси узоқ тарихий даврдаги, ижтимоий-сиёсий омиллар таъсири остида ривожланиб келган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам давлатчилик тарихида тўпланган тажрибаларга асосланиб, "суверенитет" тушунчаси акс эттирилган.

"Суверенитет" тушунчаси фанда XVII асрда содир бўлган муҳим тарихий воқеликлар таъсирида шаклланди. Монархия давлатлари ўзига тегишли ҳокимият доирасида мустақил сиёсат юритишдан манфаатдор бўлиб, черков ҳокимиятига нисбатан тожу тахтни мустаҳкамлашга ҳаракат қилишар эди. 1648 йилга келиб, черков ҳокимиятига нисбатан чекловлар юридик жиҳатдан мустаҳкамланди. Бундай ҳужжат *Вестфал тинчлик келишуви* бўлиб, давлатларнинг дунёвий суверен ҳақ-ҳуқуқларини тан олишга қўйилган илк қадам бўлди.

"Суверенитет" тушунчасини фанга олиб кирган Ж.Бодэн уни қонундан устун турадиган ва фуқаролар бўйсунадиган олий ҳокимият (*summa in cives et subditos legibusque soluta potestas*) деб таърифлаган[1]. Суверен давлат ички ва ташқи сиёсий фаолиятида ўзининг мустақил ва олий ҳокимиятига эга бўлади. Л. Оппенгейм ҳам худди шундай фикрлаб, суверенитетни: "давлатнинг мамлакат ичида ва ташқарисидаги тўлиқ мустақиллиги"[2], деб таърифлайди.

Тадқиқотда суверенитет назариясига оид бир қатор ўзбекистонлик олимларнинг қарашлари ҳам ўрганилган. Диссертант томонидан академик

---

[1] *Bodinus.* De Republica libri sex. Francoforti, 1594. P. 123 et al.
[2] *Оппенгейм Л.* Международное право. Т. 1. Мир. Полутом 1. – М., 1948. – С. 130.

Ш.З.Ўразаевнинг “Суверенитет давлат мустақил ва самарали сиёсат олиб боришининг зарурий омили ҳисобланади. Иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва бошқа глобал жараёнларда жамият ва давлатнинг иштироки айни вақтда давлат суверенитетини мустаҳкамлашни, уни давлат институтлари фаолиятида самарали акс эттиришни назарда тутади” [1] , Б.Л. Манелиснинг: “Давлат суверенитети мавжуд давлатнинг барча томонларини ифодаловчи принцип”[2], Ҳ.Т.Одилқориевнинг: “ҳар бир суверенитет турининг ўзига хос хусусиятлари ўзаро уйғунлаштирилганда халқ суверенитети марказий ўринни эгаллайди. Суверенитет ҳокимиятнинг устунлиги ва бирлигини ҳамда ҳужжатлар ва қарорларининг барча ҳокимият органлари, фуқаролар ва умуман давлат ҳудудидаги барча жисмоний шахслар учун мажбурийлигини назарда тутади”[3], З.М. Исломовнинг: “суверенитет – бу оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг ўзига итоат этувчи ҳудуддаги устунлиги ва ушбу ҳудуддан ташқарида ҳукм сурадиган ҳокимият ташкилотларидан мустақил эканлигидир” [4] , каби қарашларига муносабат билдирилган.

Тадқиқотда бугунги кунда чекланган суверенитет концепцияси ва шунга боғлиқ кўплаб тушунчалар суверенитет табиатини бир мунча ўзгартириб юбориши таъкидланди. Фақат “*де-юре”* тушунчаси билан ифодаланадиган суверенитет унинг чекланганлигини англатса, *де-факто* суверенитет тегишли ҳудудда ҳокимиятни реал амалга оширилишини билдиради. Дунёда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий жараёнлар туфайли замонамизда давлат ҳокимиятининг ўзагини ташкил қилувчи ушбу тушунчанинг моҳиятини инкор этишга бўлган уринишларни кузатиш мумкин. Глобализация жараёни, умумжаҳон ва минтақавий тартибларнинг ўзгариши суверенитетнинг концептуал асосларини қайтадан кўриб чиқиш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

Диссертацияда “суверенитет” тушунчасининг вужудга келиши узоқ тарихий даврга эга бўлмаса-да, ҳозирга қадар унинг ривожланиш тарихини даврларга бўлиш мумкинлиги таъкидланиб, давлат суверенитети муаммосига фундаментал қарама-қаршиликларга эга бўлган дастлабки ғоялар Г. Гегель билан И. Кант ёндашувларида кузатилиши эътироф этилади.

Суверенитет доктринаси янги даврининг бошланиши Биринчи жаҳон уруши якунларига тўғри келади[5]. Тадқиқотда суверенитетнинг моҳияти бўйича баҳс, асосан, ҳуқуқнинг норматив назарияси асосчиларидан бири Ганс Кельзен[6]

---

[1] *Уразаев Ш.З.* Конституция независимого Узбекистана. – Т.: Адолат, 1993. – С. 102.

[2] *Манелис Б.Л.* Проблема суверенитета и ёе значение в современных условиях. – Ташкент: Наука УзССР, 1964. – С.54-55. (305 с)

[3] *Одилкориев Х.Т.* Новая Конституция – великий символ суверенитета Узбекистана. – Т.: Адолат, 1993. – С. 47.

[4] *Исломов З., Жўраев Ж.* Халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқий тизим ўзаро нисбатининг тарихий-ҳуқуқий, илмий-назарий жиҳатлари // ТДЮИ ахборотномаси. – 2006, 5-сон. – Б. 133.

[5] *Левин И.Д.* Суверенитет. - М.: Юрид. изд-во МЮ СССР, 1948. – С. 18.

[6] *Кельзен, Г.* Проблема суверенитета / Г. Кельзен // Российский ежегодник теории права. – № 2. – 2009. *Кельзен,Г.* Чистое учение о праве. 2-е изд / пер. с нем. М.В. Антонова и С.В. Лёзова. – СПб.: ООО Издательский дом «Алеф-Пресс», 2015. – 542 с.

ҳамда ҳуқуқнинг немис мактаби етакчиларидан ҳисобланган Карл Шмитт[1] ўртасида кечганлиги таъкидланади. Карл Шмитт “суверенитет” тушунчаси ва ғояси замирида кучли давлат ва ҳокимият позициясини ҳимоя қилган. Г. Кельзен[2] давлат суверенитети, ижтимоий муносабатлар халқаро ҳуқуқ билан тартибга солингунга қадар тан олиниши ва суверенитетга нисбатан халқаро ҳуқуқнинг устуворлигини эътироф этади.

Тадқиқотда “суверенитет” тушунчасининг сиёсий ва ҳуқуқий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган яқин ўтмишдаги олимлардан Иосиф Левиннинг[3] ҳам қарашлари ўрганилди. И. Д. Левин миллатларнинг тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ва давлат суверенитетини тушунишда синфий ёндашувни яратган ва унинг назарий асосларини ишлаб чиққан.

Тадқиқотда бугунги кунда Г. Кельзеннинг ғоялари амалиётда тўлиқ ўз ифодасини топган бўлса-да, давлат суверенитети келажакда қандай трансформацияга учраши очиқ бўлиб турганлиги кўрсатилган. Юқоридаги концептуал қарашлар кенг халқаро жамоатчилик томонидан шартли равишда *универсал, космополитик* и *прагматик* йўналишларга ажратилган ва таҳлил қилинган. Глобаллашувнинг салбий оқибати бўлган “оммавий маданият”, “оммавий демократия”, гўёки дунё тамаддунини ғарб андозалари асосида “универсал демократия” билангина қарор топтириш мумкинлиги тўғрисидаги ошкора миссионистик ғоялар, маънавий-мафкуравий томондан заиф давлатларга катта зиён етказаётганлиги таъкидланган.

Диссертацияда суверенитет моҳиятини тушуниш учун уни давлатни тушуниш бўйича назарий концепциялар билан боғлаган ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Концепциялар билан уйғунлаштириш давлатга нисбатан назарий қарашларни у ёки бу шаклидан келиб чиқиб, суверенитетга нисбатан муносабатни аниқлаш имконини беради. Тадқиқотда *социологик, либертар, легистик психологик* ва *шартномавий* концепциялардаги қарашлар таҳлил қилинган.

Шунингдек, тадқиқотда давлат ҳокимиятининг суверенлиги билан давлат ҳокимиятининг асослари (манбаси) ва ресурслари бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги илмий жиҳатдан ўрганилди. Давлат ҳокимиятининг асослари ҳокимиятни амалга ошириш ва унга таъсир кўрсатувчи барча восита ва субъектлар ҳисобланиб, аввало, шу ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар (халқ, аҳоли), сиёсий кучлар (элита), ҳарбий салоҳият (қуролли кучлар) ва бошқа тарихий ва жуғрофий омиллар киради. Давлат ҳокимиятининг ресурслари (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахборот, демографик, ҳарбий,

---

[1] *Шмитт, К.* Диктатура: от истоков современной идеи суверенитета до пролетарской классовой борьбы : пер. с нем. / Карл Шмитт ; пер. Ю.Ю. Коринц ; ред. пер. Д.В. Кузницын . – 5-е изд . – СПб. : Наука-СПб., 2005. – 326 с., *Шмитт, К.* Понятие Политического / К. Шмитт // Вопросы социологии. – 1992. – Т. 1. №. 1. – С. 67–95. *Шмитт К.* Планетарная напряженность между Востоком и Западом и противостояние Земли и Моря. // Элементы. – № 8. – М., 2000. *Шмитт К.* Государство и политическая форма. – М.: Издательский дом Государственного университета – Высшей школы экономики, 2010. – 272 с.

[2] *Кельзен, Г.* Проблема суверенитета // Российский ежегодник теории права., 2009. – № 2. – С. 453.

[3] *Левин И.Д.* Суверенитет. – М.: Юрид. изд-во МЮ СССР, 1948. – С. 8.

маънавий-маданий ресурслар) ҳокимият ва унинг асосларини мустаҳкамлашга қаратилган реал ва потенциал воситаларни ўз ичига қамраб олади.

Диссертацияда *“давлат”, “халқ”* ва *“миллат”* суверенитети тушунчаларининг мазмуни, уларнинг ўзаро нисбати очиб берилган. Давлат, халқ ва миллат суверенитети конституциявий ҳуқуқ фанида тўла алоҳида категория сифатида шаклланганлиги, уларнинг ўзаро нисбатида давлат суверенитети ҳокимиятни бевосита таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун бирламчи хусусият касб этади.

Суверенитет мазмунини тўлиқ очиш унинг белгиларини кўрсатиш билан боғлиқ. И.Д. Левиннинг фикрича, “суверенитет белгиларига давлат ҳокимиятининг ягоналиги, давлатнинг мажбурлов кучига эгалиги, давлат ҳокимиятининг чекланмаганлиги (келтирилган учта белги биргаликда давлат ҳокимиятининг тўлиқлигини билдиради) ва давлат ҳокимиятининг мустақиллиги киради”[1]. Янги даврнинг классик намояндалари Ж. Боден[2], Т. Гоббс [3], Ж. Ж. Руссо [4] суверенитет давлат ҳокимиятидан ажралмас (*имманент*) категория эканлигини таъкидлашган.

Давлат суверенитетининг асосий белгилари давлат ҳокимиятининг ягоналиги, олийлиги, муддатсизлиги, мустақиллиги, давлат чегараси ва ҳудудининг дахлсизлиги ва бўлинмаслиги, иммунитетга эгалиги, давлат ҳокимияти халқ иродасини ифодалаши ва халқаро муносабатларда суверен тенглик билан изоҳланади.

Замонавий давлатда суверенитетни таъминлаш муаммолари сифатида тадқиқотда суверен тенглик халқаро принципини амалга ошириш ва уни қўллашдаги икки хил стандарт, глобаллашув шароитида давлат суверенитетига бўлган таҳдид ва хавфлар, аҳоли ижтимоий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятдаги коррупция иллатига барҳам бериш, кадрлар сиёсати ҳамда давлат хизмати тизимидаги муаммолар келтирилган ва таҳлил этилган.

Диссертациянинг “**Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари**” деб номланган иккинчи боби “суверенитет” категориясининг халқаро ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг ўзига хос хусусиятлари, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш шароитида давлат суверенитетини ҳуқуқий таъминлаш масалаларига бағишланган.

Тадқиқотда халқаро ҳуқуқда давлат суверенитетини таъминлашнинг ўзига хослиги мустақил давлатларнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиқиши таъкидланади. Халқаро ҳуқуққа биноан давлатларнинг суверенлиги ўзаро тенглик тамойилига асосланади. Халқаро ҳуқуқий меъёрлар тинчлик, хавфсизлик ва халқаро ҳамкорликни таъминлаш, зарур бўлганда, давлатларга

---

[1] *Левин И.Д.* Суверенитет. - М.: Юрид. изд-во МЮ СССР, 1948. – С. 43.
[2] *Bodin J.* Les six livres de la République. P.: par J. Du Puys, 1579. 1058 p
[3] *Гоббс Т.* Сочинения: в 2 т. Т. 2. Левиафан, или Материя, форма и власть государства церковного и гражданского / под ред. В. В. Соколова. – М.: Мысль, 1991. 731 с.
[4] *Руссо Ж.Ж.* Об общественном договоре. Трактаты / Пер. с фр. – М., 1998.

таъсир чораларини қўллаш механизмларига эга. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларига оғишмай амал қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Принципларни бузиш, умуман, тинчликка нисбатан тажовуз ҳисобланади.

Суверен тенглик принципининг асосий ижтимоий вазифаси – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ёки бошқа турдаги фарқлардан қатъи назар, барча давлатларнинг халқаро муносабатларда кенг иштирок этишини юридик таъминлашдан иборатдир. Халқаро мулоқотнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари сифатида давлатлар бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

БМТ Уставининг 2-моддаси 1-банди шундан далолат берадики, "Ташкилот ўз аъзоларининг суверен тенглиги принципларига асосланган"[1]. Шу билан бирга, ушбу принцип бир қатор халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали ўрганилган:

БМТ Уставига мувофиқ, давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка тааллуқли бўлган 1970 йилги "Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисида"ги[2] Декларацияда тўлиқ баён қилинган;

1989 йилги "Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашига иштирокчи давлатлар вакилларининг Вена учрашуви принциплари тўғрисида"ги [3] Декларацияда ривожлантирилган;

1990 йилги Янги Европа учун Париж хартиясида[4] тасдиқланган ва ҳ.к.

"Суверенитет" категорияси давлат моҳиятини ифодаловчи фундаментал тушунча бўлиб, давлатшуносликка тегишли бошқа тушунча ва категориялар: "давлат ҳокимияти", "давлат функцияси", "давлат тузилиши", "бошқарув шакли", "сиёсий режим", "фуқаролик"[5], "давлат рамзлари"ни мазмунан қамраб олади ва улар билан бевосита алоқадордир.

Р.Р.Хакимов таъкидлаганидек, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасидаги ваколатларнинг мутаносиб тақсимланишига, улар ўртасида ўзаро муносабатлар ва давлат ҳокимияти тизимида мувозанатни таъминлашга хизмат қилади[6].

Ҳар бир давлат ўз ҳудудига эга ва бу ҳудуднинг дахлсизлигини таъминлаш, ҳимоя қилиш унинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

---

[1] Устав Организации Объединенных Наций// подписан 26 июня 1945 года в Сан-Франциско по завершении Конференции Организации Объединенных Наций по международной организации, и вступил в силу 24 октября 1945 года. (https://www.un.org/ru/charter-united-nations/).

[2] Декларация о принципах международного права, касающихся дружественных отношений и сотрудничества между государствами в соответствии с Уставом Организации Объединенных Наций// Принята резолюцией 2625 (XXV) Генеральной Ассамблеи ООН от 24 октября 1970 года. (https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/intlaw_principles.shtml).

[3] Итоговый документ Венской встречи государств - участников Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе15 января 1989 года // (https://www.osce.org/ru/mc/40885?download=true).

[4] Парижская хартия для новой Европы// Второй саммит глав государств и правительств государств–участников СБСЕ в Париже, 19-21 ноября 1990. (https://www.osce.org/ru/mc/39520?download=true).

[5] *Котов А.К.* Государственный суверенитет Республики Казахстан: политико-правовой анализ становления и проблемы национально-государственного развития: автореферат дис. ... доктора юридических наук: Алматы, 1994. – С. 16.

[6] *Хакимов Р.Р.* Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш: юрид.фан.док. ...диссертацияси.- Т., 2018. – Б.68.

Шуниндек, ҳар бир давлатнинг яхлит ҳудуди муайян тарзда, албатта, маълум қисмларга, бўлинган. Давлат ҳудудини бундай бўлиш ушбу давлатни бошқаришни осонлаштириш ва самарали бошқариш мақсадларини кўзлайди. Давлатнинг тузилиш шакли ва маъмурий ҳудудий бирликларда самарали бошқарувни жорий этиш давлат суверенитетига бевосита таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси давлат тузилишига кўра, нисбий марказлашган, мураккаб унитар давлат сифатида талқин этилган ва Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг Қорақалпоғистон Республикасини ўз таркибига олган унитар давлат сифатидаги моҳиятини эътироф этиш билан бирга, мамлакат давлат тузилишида федерализмнинг баъзи бир хусусиятлари ҳам мавжуд эканлиги таъкидланган. Қорақалпоғистон Республикаси суверенитети белгилари юридик табиати бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети белгиларидан фарқли тавсифга эгалиги таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг Конституцияси билан белгилаб қўйилган давлат рамзлари – давлат байроғи, давлат герби ва давлат мадҳияси (давлат тили ва пойтахти)га эга. Давлат рамзларининг мавжудлиги Ўзбекистоннинг суверенлиги ва мустақиллигини намоён этади.

Ўзбекистон миллий қонунчилигида “суверенитет” категорияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи “инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилганлиги” [1] , Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида: “Ўзбекистон — суверен демократик республика” [2] деб белгиланганлиги диссертацияда эътироф этилиб, таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси, 93-моддаси 2-банди, 57-моддаси, 125-моддаларидаги суверенитет категорияси мазмунан ўрганилган. Суверенитетнинг қуйидаги қонун ҳужжатларидаги асослари: Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси, “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тасдиқланди. Тадқиқотда Доктринанинг ҳарбий соҳада Ўзбекистон

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 3.
[2] Ўша манба. 2018. – Б. 4.

Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашга доир принциплари ва ёндашувлари ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Доктринаси мудофаа хусусиятига эга. Ўзбекистон Республикаси ҳеч бир давлатни ўзининг душмани деб ҳисобламайди ва барча мамлакатлар билан муносабатларни мамлакат миллий манфаатларининг устуворлиги асосида ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини инобатга олган ҳолда ўзаро наф кўриш, тенг ҳуқуқлилик ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч воситалар ва музокаралар йўли билан ҳал қилиш, давлатлараро шаклланган чегараларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслигини тан олиш асосида қуради[1].

Тадқиқотда ҳозирги замон сиёсий курашларида бирон-бир давлатга ўз хавфсизлигини фақат ҳарбий-техника воситалари, қуролли кучларни кўпайтириш билан таъминлаш имконини бермаслиги таъкидланди. Бугунги кунда мамлакат хавфсизлигини таъминлашда, асосан, сиёсий ва дипломатик воситалар, шу жумладан, юридик воситалардан фойдаланишни устун қўйиш зарурлиги аён бўлиб қолди.

Ўзбекистон суверенитетини таъминловчи барча ҳуқуқий асослар халқаро ҳуқуқ талабларига мос келувчи ва ташқи сиёсатда ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишга қаратилган мақсадларни кўзловчи, давлат, жамият ва шахс манфаатларига хизмат қилувчи қонун ҳужжатларидан иборатлиги эътироф этилди.

Тадқиқот ишининг **“Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини таъминлашнинг ташкилий механизмлари”** деб номланган учинчи бобида давлат суверенитетини таъминловчи сиёсий-ҳуқуқий институтлар ва воситалар, давлат суверенитетини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш масалалари ёритилган.

Давлат суверенитетининг амалда ифодаланиши, белгиларининг намоён бўлиши ҳамда ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши маълум бир воситалар ва институтлар орқали амалга оширилади. Тадқиқот ишида *институтлар сифатида*: инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда уларнинг кафолатлари, давлат хизмати, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, давлат рамзлари, конституциявий назорат; *воситалар сифатида*: миллий мафкура, давлат бошқарувидаги очиқлик, чегаралар делимитацияси ва демаркацияси, ижтимоий-иқтисодий интеграция, ташқи қарздорликни камайтириш чоралари, президентлик лавозими вакант бўлганда вазифасини бажарувчиларнинг кетма-кетлигини белгилаш ва ҳоказолар таҳлил қилинган.

Конституцияда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида ифодалаши кўрсатилган бўлса-да,

---

[1]“Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/458/0537-сон.

ҳанузгача фуқароларнинг ушбу сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш механизмини ўзида ифодалаган махсус қонун қабул қилинмаган.

Қонунчиликда бир мансабдор шахсга давлат бошлиғи вазифасини бажариш имкониятининг аниқ белгиланиши бундай вазиятларда турли мансабдор шахслар ва сиёсий кучлар томонидан Президент ҳокимиятини қўлга киритишга бўлган ҳаракатларнинг олдини олади. Шунинг учун ҳам миллий қонунчилигимизда давлат бошлиғи вазифасини вақтинча бажариш юзасидан мансабдор шахсларнинг кетма-кетлигини белгилайдиган қоида суверенитет ва конституциявий тузумнинг барқарорлигини таъминлайди.

Марказий Осиё минтақасида 1924 йилги сунъий равишда амалга оширилган миллий чегараланиш оқибатида ташкил этилган давлатлар ва уларнинг чегаралари собиқ Иттифоқ тарқалганидан сўнг миллий даражадаги муаммоларга сабаб бўлди. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини шартномавий-ҳуқуқий расмийлаштириш учта давлат – Афғонистон, Қозоғистон ва Туркманистон билан тугалланган[1]. Диссертацияда Тожикистон ва Қирғизистон республикалари билан ҳудудий-чегаравий масалалардаги муносабатлар таҳлил қилинган. Ўзбекистон билан Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳудудий-чегаравий муаммоларнинг катта қисми ижобий ҳал бўлгани таъкидланган.

Миллий мафкура ҳар қандай давлатнинг ўз суверенитетини таъминлашда муҳим асослардан биридир. Ғоясиз давлатнинг мақсадли фаолиятини амалга ошириб бўлмайди. Илк ўрта аср буюк мутафаккирларидан бири Абу Наср Форобий адолатли жамият қуришнинг бирдан-бир шарти одамларни эзгуликка чорлаш, ғоявий жиҳатдан вояга етказиш деб билган”[2].

Бугунги глобаллашув жараёни бутун жаҳон, жумладан, Марказий Осиё интеграцияси янги кўринишда намоён бўлиши лозимлигини кўрсатмоқда. Бунда, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари учун барқарор ривожланиш, дунё бозорларига чиқишнинг диверсификация қилинган йўлларини очиш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш долзарб аҳамиятга эга. М.Портернинг фикрларига кўра, ҳозирги вақтда дунёдаги бирор-бир давлатнинг халқаро ҳамжамиятдан ажралган ҳолда ривожланишини тасаввур қилишнинг имкони йўқ, шунингдек, мамлакат ҳаёти фақат давлатнинг ички сиёсатига боғлиқ эмас[3].

Ҳозирги кунда дунё амалиётидаги ташқи қарздорликнинг салбий оқибатларига тушмаслик, молиявий қарамликни вужудга келтирмаслик ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун Ўзбекистонга ҳам ташқи қарздорлик ҳажмининг чегарасини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаш мақасадга мувофиқлиги тадқиқотда асослаб берилди. Ўзбекистоннинг ташқи қарзи 2019 йил I чорагида 19 миллиард доллардан ошганлиги маълум бўлди.

---

[1] *Бобоқулов И.И.* Хавфсизлик атамалари луғати. – Т.: ЖИДУ, – 2011. – Б.67.

[2] *Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 188 б.

[3] *Портер М.* Международная конкуренция: конкурентное преимущество наций. – М.: Экономика, – 1990. – С.128.

Кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган давлатнинг ички сиёсатида кучли фуқаролик позициясига эга бўлган фуқаролар қатламининг кўпайиши, сиёсий онг ва маданиятнинг юқори даражада бўлишига, жамиятда бефарқлик иллатининг камайишига олиб келади. Бу эса давлат суверенитетини таъминлашнинг муҳим ички имкониятлари ҳисобланади.

